



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLIH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Утанов У.<sup>1</sup>, Абдусаматов А.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Самарқанд ВХТХҚТМОҲМ доценти,

<sup>2</sup>Жиззах давлат педагогика институти магистранти

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА МУСИҚИЙ ТЎГАРАКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумий ўрта таълимда синфдан ташқари дарс машғулотларининг мақсад ва вазифалари, мазмун моҳияти ҳақида сўз бориб, синфдан ташқари машғулотлар, хусусан, муסיқий тўғарақлар ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Муסיқа комил инсон тарбиясида уни эзгуликка етакловчи, маънавий дунёсини бойитувчи, ахлоқий тарбияловчи, эстетик дидини оширувчи муҳим омиллардандир. Шу туфайли ҳам бола камол топишида, унинг тарбия, таълим олиш жараёнларининг ҳар қандай босқичи ва кўринишларида муסיқий тарбиянинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиш жараёнларида ўз олдига бир қатор муҳим вазифаларни кўяр экан, муסיқа маданияти узлуксиз таълим тизимининг бўғинларида қай тарзда амалга оширилиш муаммоларини ҳам долзарб масалалардан бири сифатида қаралади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: "...маданиятимизни тиклаб бормасак, эртага маънавий озуқа бўлмаган элда, халқда, ёшда ютуқ бўлмайди"<sup>1</sup>, - деб таъкидлар экан, бу соҳада бир қатор фармон, қарорларнинг

<sup>1</sup> О'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Namangan viloyati faollari bilan o'tkazgan yig'ilishidagi nutqidан. 2020-yil 27-iyun.



қабул қилинишидан мусиқанинг ёшлар тарбиясида нақадар муҳим ўрин тутишини англаш мумкин.

Умумий ўрта таълимда ўргатилаётган ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифалари белгилаб қўйилган. Мусиқа маданияти фанининг ҳам ўз мақсад, вазифалари бўлиб, умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини, миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, тафаккурини кенгайтириш, болалардаги ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстириш ҳамда ташаббускорликни тарбиялашдан иборатдир.

Синфдан ташқари мусиқий тарбиянинг асосий мақсади ўқувчиларни иложи борича кўпроқ оммавий ва тўғарак ишларига жалб этиб, уларнинг дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий дидини ўстириш, табиатга, Она - ватанга бўлган меҳр - муҳаббатини оширишдир. Мазкур мақсадни амалга оширишда мактабларда мусиқа дарсларидан ташқари, оммавий ва тўғарак ишлари олиб борилади. Синфдан ташқари мусиқий тарбиясини икки шакли мавжуд.

1. Мусиқа тарбиясининг оммавий шакли.

2. Мусиқа тарбиясининг тўғарак шакли.

Синфдан ташқари мусиқа тарбиясининг оммавий шаклида болаларни мусиқий ўқувини текширувдан ўтказмай, ялпи тарзда жалб этишни тақозо этади.

Ўқувчиларга синфдан ташқари ишлар тизимини жорий этишда фикрлаш қобилиятларини ўта зўриқтирмаслик учун содда ва қизиқарли “метод”лардан фойдаланиш лозим. Маънавиятини бойитиш орқали, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод, аждодлари, бойликлари, ҳусусан анъана ва урф-одатларимиз ҳақида мустақил фикрлашга эга бўлмоқлари лозим. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қоидаларини ривожлантирар эканмиз, айниқса бошланғич синф ўқувчиларининг бурро-бурро қилиб гапиришлари, мустақил фикрлай олишлари, энг муҳими миллий мусиқани онгли равишда идрок этиб, расми жонли тарзда тасвирлашлари аҳамиятлидир.

Болалар турли кўринишдаги синфдан ташқари ишларда иштирок этиб ўзларининг индивидуал хусусиятларини намоён этибгина қолмайдилар, балки жамоада яшашни, яъни бир-бири билан ҳамкорлик қилиш, ўз ўртоқлари ҳақида қайғуриш, ўзини бошқа киши ўрнига қўйишни ўрганадилар. Шу билан бирга синфдан ташқари ишларнинг ҳар бир тури ўқувчиларни муайян йўналишидаги ўзаро ҳамкорлик тажрибасини бойитади. Турли хилдаги синфдан ташқари тарбиявий ишлар болаларда хилма-хил фаолият турлари бўлган қизиқишини ривожлантиришга самарали, жамоатчилик томонидан маъқулланадиган ишларда фаол иштирок этиш истагини уйғотишга ёрдам беради. Агар болада топшириқларни бажаришда унинг муваффақиятини таъминловчи муайян амалий кўникмалар билан бирга, меҳнат қилишга қизиқиш шаклланган бўлса, у ўзининг фаолиятини мустақил равишда ташкил этиши мумкин. Бу эса болаларнинг бўш



вақтларида ўзларининг бирор-бир фойдали иш билан банд эта билмасликлари ҳозирги пайтда айниқса долзарбдир.

Муסיқа тўғарақларини ташкил этиш ва бошқариш мактабда муסיқа тарбиясининг оммавий шакллари уюштириш ва ташкил этиш муסיқа тўғарақ раҳбарининг зиммасига юклатилади ва вазифасига киради. Шу билан бирга, мактабдан ташқари муסיқа тарбияси марказлари билан алоқада бўлиб, иқтидорли ўқувчиларни уларга жалб этиш ва фаолиятини мактаб ҳаётида ҳам муסיқа тўғарақ раҳбарининг зиммасидаги вазифасидан биридир.

Муסיқа педагогларнинг асосий вазифалари ўқувчиларга машғулот жараёнида билим беришдан иборат бўлса, шу билан бирга муסיкий ва мақсадга йўналтирилган тарбиявий синфдан ташқари тўғарақларни ҳам ташкил этишдан ҳам иборатдир.

Бизга маълумки, муסיқа тўғарағи раҳбарининг чолғу ижрочилиги, юксак касбий маҳорати, нутқ маданияти, муסיқа саводхонлиги бўйича тўғри кўрсатмалар бериши «Таълим тўғрисида» ги қонун, бир қатор таълимга оид қарор, фармонлар мазмунини теран англаши зарур. Шундагина унинг машғулот ўтиш тамойиллари, тадбирларни мазмунли ташкил этиш ижодкорлиги ортиб боради. Шу билан бирга педагоглар халқ анъналарини чуқур билишлари, хусусан, маънавий тарбия маросимлари ва ундаги қўшиқларни ўргатишда муסיқа санъатидан тўғри фойдалангани ҳолда сахнани безашни ҳам оқилона уддалаши зарур.

Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида муסיқа тўғарақлари ҳам ташкил этилиб, муסיқа тўғарақ раҳбарининг машғулот жараёнида қандай фаоллик билан иш олиб борса, тўғарақларда ҳам ўқувчи – ёшларни машғулотга шу қадар кўпроқ қизиқтира билиши даркор. Хусусан, муסיқа тўғарақларида болаларнинг ижодкорлиги, истеъдоди ҳам муҳим саналади.

Муסיқа тўғарақ раҳбарининг маҳоратида ҳам, ўзбек халқининг анъналарини чуқур билиш, урф-одатларини ўқувчилар онгига сингдириш ва миллий куй-қўшиқларни англаш ва куйлаш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш керакки, жойлардаги муסיқа тўғарақларининг барчаси тўғарақ раҳбаридан фақат ижод ва ижодкорликни талаб этади. Муסיқа тўғарақларининг фаолияти кўпроқ тадбирлар билан боғлиқ бўлгани ҳолда тўғарақ раҳбари ўз режасини йил саналаридан келиб чиқиб тузиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, синфдан ташқари тарбиявий ишлар хусусан, муסיқа тўғарақларининг ҳилма-хил фаолият турлари болага тарбиявий таъсир кўрсатиш билан биргаликда уларда ижодий фаолият, еркин фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларининг ривожланишига хизмат қилади.



## Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон.
2. Шарипова Г. Асамова Д. Ходжаева З. “Муסיқа ўқитиш назарияси методикаси ва мактаб репертуари”. Тошкент. 2014-йил.
3. Шарипова Г. Нажмекдинов Ғ. «Муסיқа ўқитиш методикаси практикуми» ўқув кўлланма. “Турон-Иқбол” нашриёти. Тошкент., 2014-йил.
4. Kasimova, O. K. (2016). The Schools for Girls in Central Asia: the Meaning of Education and Methodology. *Eastern European Scientific Journal*, (3).
5. Xudoynazarovna, Q. O., & Alisher o'g'li, H. A. (2022). SOCIO-PEDAGOGICAL MATERIAL TO ENSURE THE CONTINUITY OF FAMILY, NEIGHBORHOOD AND EDUCATIONAL INSTITUTION IN THE FORMATION OF SPIRITUAL AND MORAL VIRTUES OF STUDENTS. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities*, 4, 342-344
6. Qosimova, O., & Jaxbarov, O. (2022). PEDAGOG XOTIN-QIZLAR SHAXSIGA QO'YILADIGAN PEDOGOGIK PSIXOLOGIK TALABLAR. *Gospodarka i Innowacje.*, 22, 643-645.
7. The role of excursions to spiritual places in the development of the spirituality of the younger generation Utanov Utkir Kurbanovich 699-702 10.5958/2249-7137.2021.01979.0